

Сийрат дарслари (119-дарс). Истасанг, рўза тут. Истасанг, ...



14:00 / 15.01.2021 3597

464. Оиша ва Умму Салама розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонда эҳтиломдан эмас, жинсий яқинликдан жунуб бўлган ҳолларида тонг оттирар эдилар. Сўнгра рўза тутар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

465. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлардан бирингиз таомга даъват қилинсаю, у рўзадор бўлса, мен рўзадорман, деб айтсин»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: **«Бирингиз даъват қилинса, ижобат қилсин. Шунда агар оғзи очик бўлса, таомлансин. Агар рўзадор бўлса, намоз ўқисин»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

466. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Эри ҳузурида турган аёл унинг изнисиз рўза тутмайди».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

467. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ҳамза ибн Амр Асламий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сафарда рўза тутайми?» деди. У кўп рўза тутарди. **«Истасанг, рўза тут. Истасанг, оғзинг очиқ юр»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан